
“UZBEKISTAN AIRWAYS” АВИАКОМПАНИЯСИ ВАКИЛЛАРИ ФАРҒОНАДА ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги “Тадбиркорлар уйи”да “Uzbekistan Airways” авиакомпанияси раҳбарияти томонидан сайёр қабул ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршид Аҳмедов, “Uzbekistan Airways” АЖ бошқарув раисининг тижорат ва туризм бўйича ўринбосари Шуҳрат Худайқулов, соҳа масъуллари ҳамда тадбиркорлар қатнашди.

Очиқ мулоқотда авиакомпанияда амалга оширилаётган янги лойиҳалар ва режалар ҳақида маълумот берилди. Тадбиркорларга, йўловчиларга яратилган қулайликлар, онлайн хизматлар бўйича тўхталиб ўтилди.

“Мақсадимиз тадбиркорлар билан юзма юз сухбатлашиб, уларнинг таклиф ва истакларини ўрганиш ва юзага келаётган камчиликларни бартараф этишдан иборат”, - дейишди авиакомпания вакиллари.

Сайёр қабулда сайёҳлик фирмалари фаолиятини янада жонлантириш учун Фарғона халқаро аэропортидан янги йўналишларни ташкил этиш, вилоятда етиширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини авиарейслар орқали жаҳон бозорларига олиб чиқиш учун хужжатларни расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш ва бошқа турли масалаларда саволлар ва таклифлар ўртага ташланди.

“Uzbekistan Airways” авиакомпанияси вакиллари иштирокчилар саволлариiga жавоблар бериб, таклифлар ўрганиб чиқилишини ва тадбиркорлар билан доимо очиқ мулоқотга тайёр эканликларини яна бир бор таъкидлашди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-08-08 17:20:21